



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 10.01.2022 г. № 1

между Вобкент Электр тармоклари и Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси на общую сумму 79999650,00

Глава _____ 054
Казначейский лицевой счёт _____ 100022860062127073101054001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4221000			
Январь	79 999 650,00			79 999 650,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	79 999 650,00			79 999 650,00

Всего 79999650,00 сум

Семьдесят девять миллионов девятьсот девяносто девять тысяч
шестьсот пятьдесят сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 23999895,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в Январь мес. 2022 г.

Руководитель заказчика



М.П.

(подпись)

Ражабов Шухрат Жўрабоевич

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Нарзуллоев Фаррух Халимович

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022_йил "10" январ__

№ 1 -- сонли

Вобкент шаҳри
(шартнома тузилган жойи)

Вобкент Электр тармоқлари корхонаси __ (кейинги ўринларда "Корхона"
(энергия билан таъминловчи ташкилот номи)

деб юритилади) нинг __уз низоми__ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ж.Тураев__ бир тарафдан ва __Вобкент тиббиёт
бирлашмаси

(энергия таъминоти ташкилоти раҳбарининг Ф.И.Ш.) Ш.Ражабов (Энергия истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг __уз низоми__ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари
Ш.Ж.Ражабов__ иккинчи тарафдан тизимдаги ҳисоб варағи - □□□□□□□□ ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда
"Энергия" деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750кВА ва ундан қатта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан
ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юқламали соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал
қувват (кейинчалик "Қувват") учун ҳақ тўлайди.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 177777__кВт.с. ни ташкил қилади.*

2.2 Шарнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи 79999650_сўмни, Қувватнинг
нархи_450_сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қилади.*

Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан_ 79999650 (Етмиш туккиз миллион туккиз юз туксон туккиз минг олти юз эллик) сум
_____сўм,

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан__ (0)

_____сўм.

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг
1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш
приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва
Қувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат
қилиш тизими билан мос қилиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олиниши, давлат қиёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан
кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тағаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил
24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табiiй монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши
керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 177777_кВт.с.ни ташкил қилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив
ва реактив энергия, шунингдек Қувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга
оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр
тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми
Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аниқланади ва ҳақ тўлашда ушбу электр
тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ва Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш
приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Қувватнинг шартномавий ҳажми нарҳини
30 фоизи миқдоридан олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида ҳақиқий истеъмол қилган Энергия ва Қувват учун шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда
ҳисоб-китоб қилади
ва тўлиқ тўловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

Истеъмол қилинган Энергия ва Қувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган миқдордан кўп
истеъмол қилинганлиги учун жарима
ва пеня мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблағлари қарздорликни тугатишга йўналтирилади ва олдиндан тўлов
сифатида ҳисобга олинмайди.

* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан
ўтказилгунга қадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва
миқдорлар кўрсатилади.

3.5 Корхона ҳар оининг 25 санасигача Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг тартиб рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисоботни расмийлаштиради (5-илова).

Ҳисобот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи ҳисоб-фактурани олади.

Истеъмолчида турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир объект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Кувват) истеъмоли ҳақида ҳисобот тақдим этилмаса ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаса, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар истеъмолнинг шартномавий миқдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аниқланган ҳақиқий истеъмол қилинган Энергия учун қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибда тўлов талабномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Истеъмолчиларни тегишли тариф гуруҳига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлаши керак.

Таърифлар ўзгарганда "Корхона" бюджетдан маблағ олувчини хабардор қилиши ва томонлар янги таърифлар бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим. Қўшимча келишув тегишли Ҳазначилик бўлинмасида ўрнатилганда тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳақ тўланади.

Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кундан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган Энергия миқдорига қўшимча ҳақ тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Кувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир қисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкларига катнашувчи юкларига қийматига камайтирилган Кувват миқдори учун ҳақ тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Кувват)ни ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта ҳисобга олиш нуқтаси бўйича ўртача ойлик Энергияси истеъмоли 15 минг кВт.соатдан ортиқ бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрайдиган) темир йўл, шахар транспорти, кишлок хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Кувват) истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг Автоматлаштирилган тизимига уланган Истеъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.15 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, биргаликда икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва шу асосда Корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш ҳуқуқига эга. Далолатнома асосида ҳисобга олиш приборлари охириги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган куввати ва Истеъмолчининг 4-иловада кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи қайта ҳисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона 3 иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча тўлов ҳужжати ёзиб беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов ҳужжатларини тақдим қилади.

Истеъмолчи қўшимча тўлов ҳужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибда конун асосида ундириш чораларини кўради.

Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичинини ёзиб олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Кувват танқислиги ҳолларида ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ишлаб чиқилади.

Узиб қўйиш жадваллари Истеъмолчи томонидан Корхона вакилларидан узиб қўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истеъмолчини огохлантиргандан кейин Энергия ва Кувват истеъмолчининг белгиланган даражада камайишини таъминловчи миқдорда Энергия бўйича мажбурий равишда чеклайди.

4.2 Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ уни дархол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узиб қўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Қуйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узиб қўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик ҳуқуқига эга:

а) Энергия (Кувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолчининг белгиланган режими бузилганда;

б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганда;

в) "Ўзстандарт" агентлиги томонидан киёслашдан ўтказилган Энергияни ҳисобга олиш приборлари бўлмаганда;

г) Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлов тўланмаганда;

д) Корхона тармоқларига электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;

е) электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки Энергияни ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;

ж) Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда.

4.4 Электр манбаидан узиб қўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавfli ва узлуксиз технологик жараёни (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узиб қўйиш эса – фақат суд қарорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юқорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига қайта улаш ва Энергия етказиб берилишини тиклаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлиқ харажатлар қопланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб беришни талаб қилиш;

в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлашни талаб қилиш;

г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узиб қўйишгача камида 3 сутка олдин огохлантиришни талаб қилиш;

д) Энергиянинг тегишли миқдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий миқдорини ўзгартиришни талаб қилиш;

е) Олдиндан ҳақ тўланганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш томонига ўзгартиришни талаб қилиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) келгуси ҳисоб-китоб ойнаси учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳақ тўлаш;

в) Электр қурилмаларини зарур техник ҳолатини ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

г) 7-иловага мувофиқ компенсация қурилмалари иш режимига (реактив энергия ва кувват истеъмоли) риоя қилиш;

д) энергетика тизимининг энг катта юклагачи соатларида талаб этилган Кувватдан ошмаслик.

Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва хабар қилиши шарт:

- истеъмол қилинаётган Энергиянинг (Кувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва ҳақиқий миқдорини;

- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юклагачи даврида реактив энергиянинг (куватнинг) ҳар суткалик

сарфи;

- ягона электр энергетика тизимининг энг катта юклагачининг ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дақиқадаги

сарфи.

5.3 Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;

б) ҳисоб-китоб даврининг ҳар қайси кунига ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузиш.

5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб

бериш;

в) Истеъмолчиларга Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум қилиш;

г) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;

д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли миқдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳақидаги аризаларини олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ 5 кун муддатда ойлик шартномавий миқдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тўғрисида Истеъмолчига рад этишнинг сабабини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиш.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган ҳақиқий зарар айбдор тараф томонидан иккинчи тарафга тўланиши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилса ёки Энергия шартнома миқдорининг 5 фоиздан ортиқ миқдорда етказиб берилмаса, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлари суммасининг 0,1 фоизи миқдорда пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нарҳининг 50 фоиздан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхонани шартнома шартларини керакли ҳажмда бажаришдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.3 Етказиб берилган Энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, Истеъмолчи Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия махсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) миқдорда пеня тўлайди. Бунда, пенянинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоиздан ошмаслиги керак.

Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб ҳисобланади.

6.4 Истеъмолчи ҳисобот даврида шартномада кўрсатилган миқдорга нисбатан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, ҳисоб-китоб даври учун шартномада кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорда Корхона фойдасига жарима тўлайди (6.5-бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан тўловни амалга ошириш шarti билан Истеъмолчининг таклифи бўйича ҳисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий ҳажмларига киритилган ўзгартиришлар шартномада белгиланган ҳажмдан кўп истеъмолга қирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истеъмолчи Энергия истеъмолчининг белгиланган режимга риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Қувватнинг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилганлиги учун;

б) захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар учун Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта қучланишли соатларида амалдаги юкламаси шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча бутун қисми учун қайта ҳисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорда қўшимча ҳақ ундирилади.

Қўшимча Қувватга ҳақ тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли руҳсат олмадан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Қувватдан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни энгил бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб қучга қирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик бўлинимасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб қучга қиради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охириги оғи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2009 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007-сон билан рўйхатга олинган "Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари"га асосан амал қилиш муддати "31" декабрь 2022_йилгача белгиланади).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7.6 Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибда ҳал қилинади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Таъминотчи»

Вобкент туман Электр тармоқлари

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Вобкент ш

Тел./факс 33-21-508

х/в: 22636000600487303320


Банк номи: Бухоро АТ Саноат Курилиш банк

МФО: 00086

ОКОНХ: 35120

СТИР: 201188400

Рахбар




Ж.Тураев

(Ф.И.Ш)

М.Ў.

(ИМЗО)



«Истемолчи»

Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Вобкент шаҳар Тадбиркорлар кучаси 50 А уй

: х/р: 100022860062127073101054001

Бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 201408290.

ОКОНХ: 91500.

Вобкент тумани бўйича Ғазначилик булинмаси.

х/р: 23402000300100001010.

Банкинг номи: Марказий банк Тошкент ш.

бош бошқармаси.

МФО: 00014

СТИР: 201122919

Рахбар:



Ш.Ж.Ражабов

М.Ў.

(ИМЗО)

Ҳуқуқиунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): _____

Гувоҳнома (Диплом) № _____ ва берилган санаси: _____

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
1-илова

Етказиб берилаётган Энергия (Қувват)нинг миқдори

1. Тариф гуруҳи _____
2. Фаолият тури _____
3. Истеъмолчининг электр қурилмаларини уланган қуввати: _____ кВА, (кВт)
4. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича): _____
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича амалдаги тоифаси: _____

1	Талаб этилган Қувват, кВт	Энергия миқдори, минг кВт.с	Жумладан тариф гуруҳлари бўйича			
			4	5	6	7
Йил, жами	177777					
I чорак						
Январ	177777					
Феврал						
Март						
II чорак						
Апрел						
Май						
Июн						
III чорак						
Июл						
Август						
Сентябр						
IV чорак						
Октябр						
Ноябр						
Декабр						

2-устун Икки ставкали истеъмолчилар томонидан тўлдирилади.

Имзолар:

Истеъмолчи
_____ М.Ў.

Корхона
_____ М.Ў.

Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarni qonun hujjatlariga muvofiqligi to'g'risida huquqiy xulosa

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi:


Vobkent tuman Tibbiyot birlashmasi va Vobkent elektr tarmoqlari korxonasi o'rtasida tuzilgan 79999650 so'mlik elektr energiyasini yetkazib berish to'g'risidagi shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Mazkur shartnoma Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 13-yanvarda markazga taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti
13.01.2022 yil.



B.G'aybullayev